



» Аёлини улуғлаган юрт

Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур...



Бугун серкӯёш Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасида кўклам нашидаси. Нафосат ва латофатга бой, гўзал аёлларимиз, онахону опа-сингилларимиз тилигу дилида эса “Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур” деган миннатдорлик изҳорлари...

Ахир аёлини қафтида, онасини кифтида кўтарадиган юксак маънавият, маданиятли, бағри кенг халқ яна қаерда бор? Албатта, бу бизнинг ҳур ўлкамиз – Янгилаётган Ўзбекистонда десак асло муболага бўлмас. Одатда “катталар қурган

кўприкдан ёшлар ўтади, кейин улар ҳам янги-янги кўприклар қуришади” деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Аждодларимиздан қолган хосиятли удум ҳозир ҳам давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси, қарори билан Халқаро хотин-қизлар кунинда аёлларимизга илоҳи бори-ча хурмату эҳтиром кўрсатиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳар бир хотин-қизни эътибордан четда қолдирмаслик каби хайрли ишлар жойларда бекиёс кўтаринкилик, самимийлик, ўзгача меҳр билан ўтказилди.

Албатта, бундай юксак инсоний фазилатлар ифодаси Юртбошимиз Шавкат Мирзиёв иштирокида ўтган “Аёлга эҳтиром” номли тантанали тадбирдан бошланди. Бу кечадаги файз-тароват, меҳр-оқибат, самимий мулоқотлар, онахонлар чехрасидаги чуқур ҳаяжон, опа-сингиллар, гўзал ёшларимизнинг бахтдан порлаган нигоҳларини нафақат ватандошларимиз, балки узоқ-яқиндаги дўст-биродарларимиз ҳам кўриб, қузатиб туришди, завқ-шавқ билан қувончимизга шерик бўлишди.

Давоми 2-саҳифада »

Ушбу сонда

“Қора” ортидаги “оқ йўл”
3-саҳифада »

Ўзбек цирки дарғалари
4-саҳифада »

Туркия таассуротлари
5-саҳифада »



Атлас кийган ўзбек аёли
6-саҳифада »



Давоми 2-саҳифада »

» Санъат учун яралган инсон



Қалбдан таралган қўшиқлар

Марғилон шаҳри нафақат уста хунармандлар, балки эл суйган санъаткорлар юрти ҳамдир. Ўзбек қўшиқчилиги ривожига катта ҳисса қўшган улуғ санъаткорлардан бири Жўраҳон Султонов ҳам Марғилон фарзанди.

Катта ашулалар, яллалар устаси, шунингдек, аскиячи сифатида танилган Жўраҳон Султонов 1903 йил “Пошпо Искандар” маҳалласида дунёга келган. Отаси Султонбой ҳожи ва онаси Саодатхон аялар зиёли, санъатни кадрлайдиган инсонлар бўлишган. Бундай оилада тарбия топган Жўраҳонда ҳам санъатга меҳр эрта уйғонди.

Бўлажак ҳофизнинг ўсмирлик йиллари алғов-далғов даврларга тўғри келди. Шаҳар ҳудудида кўпинча қарама-қарши гуруҳлар ўртасида отишмалар юз берарди. Замон нотинч, зиддиятли бўлишига қарамай, табиатан нозиктаб бўлган Марғилон аҳли санъатдан узоқлашишни хаёлига ҳам келтирмаган. Шаҳарликлар бўш вақтларида чойхона ва гузарларда давр янгиликларидан хабардор бўлиш билан бирга қўшиғу шеърлар тинглашар, аскиябозликлар қилишарди. Ҳа кезларда марғилонлик Юсуфжон

қизиқ Шакаржонов, Мадали ҳофиз, Болтабой ҳофиз Ражабов, Маматбува ҳофиз Саторов каби шаҳарнинг таниқли аскиячи ва қўшиқчилари чойхоналарда, турли даврларда ўз санъатларини намойиш этишар, давраларга кўрк бағишлаб, олқиш олишарди. Бу санъатга энди кириб келаётган ёшлар учун ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтарди. Мана шундай ижодий муҳит Жўраҳон қалбига ҳам санъатга иштиёқ уйғотган бўлса ажаб эмас.

Айтишларича, у қўшиқчилик сирлари-

ни дастлаб отасидан ўрганган. Кейинчалик ота ўғлини юқорида номлари тилга олинган устозлар ҳузурига етаклаб бориб, шогирдликка топширади. Шу тариқа бўлажак санъаткор устозлардан қолғу ва мусиқа сирларини кунт билан ўргана бошлайди.

– Ҳа кезларда чойхона ва гузарларда, тўйларда катта ашулалар кўп ижро этилган, – дейди таниқли санъатшунос олим, Фарғона давлат университети профессори Султонали Маннопов. – Бундай ашулалар одатда раvon усулсиз, соз-

лар жўрлигисиз, речитатив-декламацион услубда ижро қилинади. Ҳазалдаги ҳар бир мисра ҳофизлар томонидан бирма-бир (такроран) талқин этилиши (ўқилиши) тўфайли мазкур жанрда мушоҳада, фалсафий ёндашишлар муҳим ўрин олган. Катта ашула ижрочидан нафақат кучли овоз, балки ўткир хотира, ғазал, шеър матнларини теран тушунишни талаб этади. Устоз Жўраҳон акада эса бу хислатларнинг барчаси мужассам эди.

Давоми 2-саҳифада »

Донолар сўзлайди...



Келажақда ҳам китобнинг ўрнини ҳеч нарса эгаллай олмайди, худди ўтмишда эгаллай олмаганидек.

Баҳслашмайдиган аёлларни камчиликлардан холи деб ҳисоблайман.

Инсоният тарихини англаш қийин. Кичик ўзгаришлар катта қутилмаган натижаларга олиб келган.

Айзек Азимов

» Ғолиблар аниқланди

Филармониялараро республика кўрик-танлови

Жорий йилнинг 1-7 март кунлари Тошкент вилоятининг "Маданият ҳафталиги" доирасида Ўзбекистон давлат филармониясининг худудий бадий ва ижодий жамоалари ўртасида республика кўрик-танлови кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат филармониясининг худудий бўлиналари Тошкент вилоятининг туман маданият марказларида, мусика ва санъат мактабларида, чекка-чекка қишлоқларидаги майдонларда ўз санъа-

тини халққа намоиш этиб, олқишларга сазовор бўлишди. Танловнинг тантанали ёпилиш маросимида Маданият вазири ўринбосари О.Мирзаев ҳамда Тошкент вилояти ҳокими Д.Хидоятловлар қатнашди. Иштирокчилар маҳорати, профессионал тайёргарлиги, репертуари савияси, юксак бадий дид билан ёндашуви, сахна маданияти каби мезонлар асосида мукофотландилар: ■ Энг яхши жўровоз ижрочиси – Фаргона

вилояти бўлимаси жамоаси ■ Аъналар давомчиси – Наманган вилояти бўлимаси, Хусанбой Раҳимов ■ Маҳоратли кўшиқ ижрочиси – Қашқадарё вилояти бўлимаси, Умрзоқ Куватов ■ Энг яхши ансамбль – Самарқанд вилояти бўлимаси ■ Жозибали рақс жамоаси – Сирдарё вилояти бўлимаси "Сирдарё навалари" рақс ансамбли.

Шунингдек, I ўринга Хоразм ва Тошкент вилоятлари, II ўринга Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё, Бухоро, Андижон вилоятлари ҳамда III ўринга Жиззах, Навоий вилояти бўлиналари муносиб деб топилди. Кўрик-танлов ғолиблари: 1-ўрин – 300 млн. сўм; 2-ўрин – 200 млн. сўм; 3-ўрин – 100 млн. сўм пул мукофотлари билан тақдирландилар.

» Мунигинам



Оналаримизни қадрлайлик!

Инсон қачон йиғлайди? Тўлиб кетса, бу дунё ишларидан зада бўлса... Фарзанд бир томчи ёш тўкса, онанинг кўнглида, кўксида ёшлар дарёси оқади. Шунинг учун ҳам оналар бу дунёда фарзанд учун жонкуяр, мўътабар ва меҳрибон зотлардир. Зотан, шоир Тўра Сулаймон «Ой тутилиб, онам йиғлайдир, қолганлари ёлғон йиғлайдир» деганларида ҳақ эди.



Йиғламайман

"Ой тутилиб, онам йиғлайдир, қолганлари ёлғон йиғлайдир" Тўра Сулаймон

Дардман билар асл дарднинг захрини, Тик кўтардим ёлғон дунё қаҳрини, Гар йиғласам, тилганича бағрини, Мендан кўпроқ ёлғиз онам йиғлайдир, У йиғласа, бутун олам йиғлайдир.

Кулфат келса, кулиб енгмоқ – осонмас, Бу ҳаёт – бахт қайнайдиган қозонмас, Бўғизимга ёш тикилганда бир нафас, Мендан кўпроқ ёлғиз онам йиғлайдир, У йиғласа, бутун олам йиғлайдир.

Ҳаста бўлсам, ўзида йўқ хафам у, Мадинам у, дилимдаги Қаъбам у, Ҳаловатда тополмасам гар уйку, Мендан кўпроқ ёлғиз онам йиғлайдир, У йиғласа, бутун олам йиғлайдир.

Яшираман гоҳи алам, камимни, Сезиб турар мен сезмаган гамимни, Шум шамоллар пуфлаб турса шамимни, Мендан кўпроқ ёлғиз онам йиғлайдир, У йиғласа, бутун олам йиғлайдир.

Олам ёши тўкилмаслиги учун, Тоғлар боши букилмаслиги учун, Йиғламайман, аммо, нимага, нечун? Мендан кўпроқ ёлғиз онам йиғлайдир, У йиғласа, бутун олам йиғлайдир.

Чунки, онам, олам битта бутундир, Аммо онам бу оламдан устундир, У йиғласа, менинг менлигим жўндир, Йиғламайман, йиғламасин онам ҳам, Йиғламайман, йиғламасин олам ҳам.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВ

» Давоми. Боши 1-саҳифада



Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур...

Айниқса, Президентимиз онахонларимизни "Энг тўғри йўл кўрсатувчи таянчларимиз", фидойи хотин-қизларимиз, опасингилларимизни "Миллатимизнинг олтин фонди", хазираси дея улуғлаганларида янграган давомли олқишлар, қароқларга инган кувонч ёшларини, дарҳақиқат, оддий тил билан таърифлаш қийин. Бунинг учун жуда моҳир ижодкор, шоир бўлишлик керак!

Дарвоқе, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарори билан юксак унвон, орден медалларга сазовор бўлган аёлларимиз тақдирланар экан, улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Лола Элтоева, Гулбахор Эрқулова каби санъаткорларимиз, маданият ходимларининг ҳам борлиги бениҳоя қувонтирди. Мана шундай гўзал тадбирларда эса бизнинг маданият ва санъатимиз жонкуярла-

ри доимий хизматда эканлиги қалбимизни янада фахру ифтихорга тўлдирди.

Таъкидлаганимиздек, бу каби хайрли тадбир-тантаналар барча вилоятларимизда, вазириликлар, жамоат ва давлат ташкилотларида ҳам кенг кўламада ўтказилди. Жумладан, Маданият вазириликда ҳам аёлларга эҳтиром кўрсатилиб, гуллар ва эсдалик совғалари топширилди. Озодбек Назарбековнинг аёллар шаънини улуғлаб айтган дил сўзлари, тадбир охиригача хотин-қизларга хурмат кўрсатиб, самимий мулоқотда бўлгани оддий ходим, фаррошу масъул вазифадаги аёлларга кўтаринки кайфият бағишлади...

Шунингдек, пойтахт вилоят ҳокимлиги томонидан Янги йўл тумани, "Шердор" тантаналар уйида ўтказилган "Аёл – оламнинг гултожи" номли байрам тадбири ҳам Тошкент вилояти хотин-қизларига аjoyиб тухфа бўлди. Онахонлар пойга тўшалган

алвон рангли пояндозларнинг икки томонида тизилиб турган ҳарбий ўғлонлар қўлларида гул билан кутиб олишар экан, уларни ичкарига чорлашди. Вилоят маданият бошқармаси ходимлари эса байрамнинг чиройли ўтиши учун астойдил ҳаракат қилишган. Истеъдодли ёшлар, Авазбек Олимов, Женисбек Пиязов, Лола Аҳмедова каби таниқли санъаткорлар, шунингдек, Бухородан ташриф буюрган "Бухоро мавжлари" ансамблининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Даврон Хидоятлов, давримизнинг машҳур раҳбар аёллари Дилбар Гулмонова, Фарида Абдурахимованинг самимий табриклари, "Мўътабар аёл" кўкрак нишонининг топширилиши, аёлларга аталган гул ва совғалар тантананага ўзгача файз бағишлади...

Сайёра РИХСИЕВА

» Давоми. Боши 1-саҳифада

Қалбдан таралган кўшиқлар

Жўраҳон Султонов устози Мадали ҳофиз билан жўровозликда "Шафоат", Даргоҳинга келибман", "Хайрул-башар", "Шояд", "Жудо қилма", "Еввойи чоргоҳ" каби мумтоз кўшиқларни маҳорат билан куйлаган. Яна бир устози Мамагбува ҳофиз билан ҳамкорликда мумтоз кўшиқчилигимизнинг ёввойи йўлларини кашф этишган.

1926 йил Муҳиддин Қорӣқубов раҳбарлигидаги Ўзбек давлат концерт этнографик ансамбли тузилди ва Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Астрахань ва Боку шаҳарларида гастролда бўлди. Ушбу ансамблда Жўраҳон Султонов билан бирга Юсуфжон қизик Шакаржонов, Уста олим Комилов, Тамарахоним, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умрзоқов каби машҳур санъат даргалари фаолият кўрсатишган. Улар ўзларининг бетакрор кўшиқлари, рақслари, мусика асарлари билан Ўзбек санъати довуғини дунёга ёйишди.

1928 йил Марғилон шаҳри марказида Ўзбек мусикали драма театри ташкил этилди ва унга Жўраҳон Султонов директор этиб тайинланди. Бу ҳофиз ҳаётида яна бир ёрқин саҳифани очди. Театрга ишга келган ёшлар орасида Марғилоннинг истеъдодли санъаткорларидан яна бири, Жўраҳон Султоновдан бир ёш кичик бўлган Маъмуржон Узоқов ҳам бор эди. Улар ҳам дўст, ҳам устоз-шогирд эдилар. Жўраҳон Султонов шогирди истеъдодини вақтида англаб, қобилиятини тўла намоён этишида уни қўллаб-қувватлади. Ўзаро ҳамкорлиги анча самарали бўлди, биргаликда кўплаб кўшиқларни ижро этишди. Айниқса, халқ жасоратининг ёрқин тимсоли бўлган Катта Фарғона канални қурилиши қатнашчилари даврасида бу икки забардаст санъаткор ижро



этган кўшиқлар шухрат қозонган. Кўшиқлари меҳнаткаш элга дармон бўлди, елкаларидаги залворли юкни маънан енгиллаштирди. Уша кезларда бу икки ҳофиз ижросидаги "Эй нозанин", "Офарин", "Бу гулшан", "Бўстон", "Минг қадам" каби кўшиқлари канал қурилишида қатнашаётган хашарчилар учун ҳар қандай мукофотдан ҳам яхши эди. Жўраҳон Султоновга канал қазилгандан сўнг Ўзбекистон халқ ҳофизи фахрий унвони берилди.

Унинг "Ўлмасун" (Навоий), "Келинг, эй ахбоблар" (Фурқат), "Бир қадах" (Чустий) каби кўшиқлари халқ орасида анча машҳур бўлган. 1931 йили таниқли мусикашунос олим В.А.Успенский билан бир қанча халқ ашуларини нотага солган.

1940 йили Ж.Султонов Муқимий номидаги мусикали драма ва комедия театрига ишга кириди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Германия билан собик Иттифок ўртасида уруш

бошланади. Унинг уруш йиллари яратилган "Евни яқсон қилмасам", "Ўзбекистонимда", "Найлайин", "Бормукин" каби кўшиқлари фронтдаги Ўзбек аскарларига далда берувчи, маънавий куч-қувват бағишловчи ижролар эди. Айтишларича, Маъмуржон Узоқов билан жўровозликда куйланган "Отта миндим" кўшиғи деярли ҳар куни радиоканалларда янграган. Ҳофиз ижросидаги Собир Абдулла қаламига мансуб "Найлайин" ҳам уша уруш йилларида яратилган.

1950-1958 йилларда ҳофиз Ўзбек давлат эстрада театрида ишлаган. Шу йилларда Парпи ҳофиз ("Тоҳир ва Зухра"), Норқўзи ("Нурхон") каби бир қанча ролларни маҳорат билан ижро этган.

Тўхтасин Жалилов, Муҳиддин Қорӣқубов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурхоннов, Наби Раҳимов, Ғанижон Тоштоматов, Орифхон Хотамов, Комилжон Отаниёзов каби санъат аҳли ҳам Жўраҳон Султоновга "Устоз" деб мурожаат қилишган.

Жўраҳон аканинг фарзандлари ҳам ўқимишли, зиёли инсонлар бўлиб етишди. Набираларидан Санобархон эса дуторчи қизлар ансамблида яққоҳон хонанда сифатида машҳур бўлди. Ҳофиз 1965 йил 16 октябрда Марғилонда вафот этди ва шаҳардаги Машҳад қабристонига дафн этилди.

Устоз санъаткор ораимизда йўқ бўлса-да, ундан яхши ном ва улмас кўшиқлар қолди. Зеро, қалбдан таралган кўшиқлар умри ўз ижрочиси умридан узун бўлади.

Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ, Умидаҳон АҲМЕДОВА, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари



San'atimiz farihtasi



Ўзбек миллий академик драма театрининг таниқли актрисаси, театр ва кино сан'атининг бетакрор ижодкори, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова муборак 85 ёшنى қаршилади.

10 март куни Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Жамол Носиров устоз сан'аткорни табриқлаш учун ижодкор хонадонига ташриф буюрди. Сухбатлашиб, дуоларини олди. Сан'ат соҳасини ривож-

лантиришда театр онахонининг тажрибаси жуда муҳимлигини таъкидлади.

Ҳозирги кунда Тўти Юсупова невараваралар қуршовида кексалик гаштини сурмоқда. Аммо йиллар актриса юзлари га соя солгандек, унинг куч-қувватини ўғирлагандек. Бироқ шу нарса аниқки, Тўти Юсупова бу ҳаётда камдан-кам учрайдиган ноёб иқтидор эгасидир. У каби сан'атимиз фаришталарини борида

авайлаб, қадрлашимиз ва эъзозлашимиз лозим.

Ўзбек театр сахнасида "Сотти" образи билан томошабинлар эътиборини қозонган, "Абдуллажон" кинофильмидаги содда, жайдари Холида роли орқали ҳаммагини семимли актрисасига айланган Тўти Юсуповага узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Ҳамиша эл ардоғида бўлиш насиб этсин!

Хажвия

Рўзғор учун озиқ-овқат харид қилгани бозорга тушдим. Яқинда кўтарилган маошимни нақд пул қилар эканман, қўлимга ҳийла кўп кўринди-ю, ич-ичимдан суюниб кетдим. Олдинлари бир халта ун, бир кило гўшт, яна майда-чўйдалар, хуллас, маошининг тўртдан уч қисмини сарфлаб уйга қайтганимда, ойнанинг охирига қандай етиб олиш ўйи "хит" қилиб юборарди. Яхшиямки мен билан яшайдиган нафақахўр энам бор. Уяла-уяла йўл пули сўраб туришим ҳам ачинарли, ҳам қулгили.

"Биров"нинг пули


Энди бўлса, Худо хоҳласа, ойнанинг охирига ҳам етадиган пулим бўлишини ўйлаб, бир керилгим келди, бир керилгим келди, асти қўяверасиз.

Бозор дарвозасидан кирaverишда чўнтагимдан нарсалар рўйхатини олдимда, рўзғор қилишга шўнғиб кетдим.

Ўх-хў, уйда ҳам ҳеч нима қолмаган экан-да. Қоғознинг орқасига ҳам ошиб ўтган рўйхатни кўриб, "хайрият-э, яхшиям ойлигим кўтарилган", дейман ичимда. Шу хаёл билан хар доим оладиган биринчи навли "қозок" унидан сўрасам, нархи бироз кўтарилганини айтишди. Нима учунлигини тушунолмай анграйиб турганимни кўрган дўкончи - "Э, ака, доллар кўтарилган-ку!" деб ҳўшимни жойига қайтарди.

Сира ақлим етмайди-да. 65-70% аграр давлат бўла туриб, бугдойимиз унини долларга таққослаб сотиб олсақ-а! Бу ҳудди ўзимизники, лекин ўзимизникимасдек. Хирмон-хирмон бугдойларимизни пайти келиб "бировдан" сотиб олиш кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз!

"Хай, майли, ойлигим кўтарилган-ку". Мана шу тасалли билан бир халта унни дўкон четига қўйиб, бошқа маҳсулотларни олгани полиз эканларни растасига ўтаман. "Қозок картошкаси", яна қаердандир "келтирилган" помидор-бодринглари "доллар муносабати" билан кўтарилган нархларда сотиб олар эканман, "Хайрият-е, шолғом билан сабзи ўзимиздан чиқаркан" дея суюниб қўяман. Чунки бир "Зил" лой сабзи "доллар"га келтирилганига ақли расо одам ҳам ишонмаслигини билган сабзичилар ростини айтиб қўя қолишди.



Энди қатиқ олгани сут маҳсулотлари растасига қараб юрдим, яна шу "дийдиё". Нима эмиш, "Ем кўтарилган, мол қилишининг ўзи бўладики, доллар кўтарилган". Шу-унча иш бўлгандан кейин сизиги шўрлик ҳам қараб ўтирадими?

Яна ўйлаб қоласан киши. Тарихда Африка қит'асининг қайси бир давлатида шундай бир инқироз юз берибдики, одамлар бурда нонни бир халта пулга сотиб олишган экан. Бунга сабаб нима дейсизми? Менимча, мана шу "тепакал амаки" ўша ерда ҳам ўз сеҳр-жодусини ишга солган бўлса керак. Яна ҳам ақл ўлгур сиеётга бироз калтали қилади.

Қачонлардир минг сўм пулга одамлар дабдабали тўй қилганини эшитсам, хайрагим ошади. Бугун иккитадан ортиқ гўтурт берилмайдиган учта нолли бу рақам эртаним-кеч йўқолиб кетса ҳам ажабмас.

Хай, майли. Бозор-ўчар қилиш керак. Айрим ақли "расо" одамларнинг айтишича, киши бозорлик қилса, асаби тинчланиб, кайфияти кўтарилармиш. Менинг эса қўлимдаги рўйхатга қараганим сари таъбим тирриқ бўларди.

Туркиянинг "туя" нўхати-ю, яна қайси бир манзилнинг "ҳўртемас" ловиясини олиб, сўнги харид учун кўкат сотаётган холанинг олди-га бораман. Бошига қалин бўздан рўмол ёпинган момо доимгидек катта-катта боғли кўкатларни териб беради. Ҳаммасини ўраб қўлимга узатаркан, "нарх кўтарилган" дейди. Энди шуниси ортиқча-да. "Кўкатнинг Америкада ўстирилиб, Ўзбекистонга экспорт қилинишини энди эшитишим" дейман аччиқ билан сотувчига. У эса жаҳл қилганимни ичига ютади ва босиқлик билан "Болам, нима қилайлик, доллар кўтарилган, кватирга деган ўлгур бор, энди шу ердан қоплатмасак..." бошқа бир оғиз ҳам гапирмайман. Сотувчи хола айтган суммани бераман-у, бозорликларимни олиб, уйга жўнайман...

Бугундан хулоса

"Қора" ортидаги "Оқ йўл"

Ҳозирги кунда "Пиар" тушунчаси жуда оммалашиб кетди. У инглиз тилида "Public Relations" деб аталиб, "Жамоат билан алоқалар" маъносини беради. Агар халқ тилида тушунтирадиган бўлсак, бу шунчаки - "реклама".

Танганинг икки томони бўлгани каби "ПР"нинг ҳам "ранглари" мавжуд. Мисол учун, "Оқ ПР", "Сарик ПР" ва "Қора ПР".

Ушбу атамаларнинг тилимизга кўчганига анча бўлди. Буни кўпроқ сайлов ҳолда таъриф беради. Танганинг икки томони бўлгани каби "ПР"нинг ҳам "ранглари" мавжуд. Мисол учун, "Оқ ПР", "Сарик ПР" ва "Қора ПР".

Келинг, шу ўринда "Қора ПР"га ўз нуқтаи назаримиздан келиб чиққан ҳолда таъриф берамиз.

Тасаввур қилинг, оппоқ девор. Унда кичкина доғ пайдо бўлди. Агар шу манзарани эслаб қолиш кераклиги айтилса, оқ деворни эмас, нўхатдек доғни ёдда сақлашимиз шубҳасиз. Ёки одамлар табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, улар бахтли кунларидан кўра қайғули онларини яхшироқ эслаб қолишади.

"Қора ПР" эса айнан салбий жиҳатларга ургу беради (Ёдингизда сақланг! Инсон хотираси ижобийдан кўра салбий хотираларини яхши эслаб қолади). Масалан, сайлов ёки ҳар қандай кўринишдаги рақобатда "қора ПР" ишга солинади. Рақибни йўқотиш, уни обрўсизлантириш каби йўлларда бу тактика яхши қўл келади.

Ўз даврида қутилганидан ҳам ортиқ иш берган? Бироқ энди ундан фойдаланиш мақсади ўзгарди. Аввалига "салбий жиҳатга ургу бериш" дея тушунилган "қора ПР" эндиликда мақсадни ижобий ҳал қилишда ишлатилмоқда. Хўш, айнан қандай?

Бугун турли ноодатий кўринишлар, чиқишлар ва хатти-харакатлар кўпайгандек. Уларнинг мақсади аён: ё кўпроқ пул топиш, ё тезда машҳур бўлиш ёки қисқа муддатда ўзи кўзлаган "манзил"га етиб олиш.

Бу йўлда ноодатий қилиқлар қилишдан ҳам қайтмаётганларни кўряпмиз. Оқибатини ўйлаб, имкон қадар чора излашга ҳаракат

қилаймиз. Айтайлик, кимдир номи ўз маҳалласидан ташқарига чиқмаган "санъаткор"ни танқид қилса, бошқа бирор юриш-туриши миллийликка раҳна солаётган "машҳурлар"ни деб "куюнади". Мақсад - ўша иллатни тезроқ йўқ қилиш. Бироқ натижа кутганимизни бераптими?

Шу ўринда бир мисол келтирсак. Хўсусий телеканалларда намоиш қилинган кўрсатувлардан бирида "замонавий реп" санъатида "ижод" қилаётган ёшларга танқидий муносабат билдирилди. Эҳтимол, кўрсатув ўзига юқори "балл" тўплагандир, бироқ муаммо ҳал бўлди-ми? Йўқ, аксинча, санокли обуначиларига эга "хаваскор"ни энди телевизор қаршида ўтирган миллионлаб томошабинлар ҳам таниб олди. Қизиққанлар интернетдан у ҳақидаги маълумотларни излаб, ўзлари билмаган ҳолда обуначилари сафини кўпайтирди.


"Кисадан хисса" деганларидек, бу ҳолатни тўғри тушунганлар ҳам кўп орамизда. Ҳақто бунга ўз хулосаларида изоҳлаб ҳам беришди. Бу қувонарли, албатта. Чунки кўзланган мақсад ҳам айнан шу эди.

Шу ўринда савол туғилади. Нера унда танқид қилинган "нишон" тузалмай, аксинча "ижоди" янада "гуркираб" кетди?

Тахминимизча, бунга даврни, бугунги аудиторияни ҳисобга олмаганимиз сабабчи. Биз маданият, одоб-ахлоқ дея ургулаганимиз сайин миллийликка таҳдид, ғайри тарғибот ва эътиқодлар урчи бормоқда. Хўш, нима учун?

Келинг, буни яна бир мисол ёрдамида тушуниб оلسак.

Инсон табиати шундай, у ман этилган нарсасга қизиқади. Бу хоҳ салбий бўлсин, хоҳ ёмон оқибатга олиб келсин - фарқи йўқ. Акси бўлганида Одам Ато жаннатдан қувилмас эди. Ёки Альфред яратган кашфиёти бир кун келиб бутун



8 март - Халқаро хотин-қизлар куни

Байрам шукуҳи

Баҳор фаслининг илк кунларидан оқ айёмлар айёмларга уланиб, барча жойларда бўлгани каби Ўзбекистон давлат хореография академиясида ҳам 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни нишонланди.

Байрамни академия ректори Шухрат Тохтасимов ўз табриги ва эзгу тилаклар билан очиб берди.

Кечага бир қатор элимиз суйган

санъаткорлар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Козим Қаюмов, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Салоҳиддин Азизбоев ва Гиёс Бойтоев ташриф буюришиб, академияда фаолият кўрсатаётган аёлларни самимий тилаклар ва кўшиқлари билан хушнуд эттишти. Муқимий номидаги ўзбек давлат музыкали театри қошидаги "Тановар" рақс ансамбли-

нинг чиқиши байрам шукуҳини янада оширди.

Шунингдек, аёл ходимларнинг фаолиги, жонқуяр ва фидойилиги алоҳида эътироф этилиб, фахрий ёрдиқ билан тақдирландилар ва байрам совгалари ҳамда гулдастлар тўхфа этилди.

Кутлуг айёмингиз ана бир бор муборак бўлсин, азиз аёллар!

ЎзДХА матбуот хизмати



Ботир Зокировни хотирлаб

Миллий эстрада санъати асосчиларидан бўлган Ботир Зокиров нафақат бетақор овоз соҳиби, шу бирга режиссёр, кино, адабиёт ва тасвирий санъатда ҳам ўз ўрнига эга серқирра ижодкор эди.



Серқирра ижодкор

У 1936 йил 26 апрелда Москвада профессионал музикачилар оиласида дунёга келди. Отаси - Карим Зокиров баритон овоз соҳиби - опера хонандаси, онаси - Шоиста Саидова Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри солисти бўлган. Ботир Зокиров уларнинг тўнғич фарзанди, Жамшид Зокиров, Фаррух Зокиров ва Луиза Зокировалар сулола вакиллари эди. У 1952 - 1957 йилларда Тошкент Давлат Консерваторияси вокал факультетини, 1958 - 1962 йилларда Тошкент театр ва расомчилик институтининг режиссёрлик факультетини ўқийди. 1956 йилдан Ўзбекистондаги биринчи эстрада ансамблида кўшиқ куйлай бошлади. Ушбу жамоа 1957 йил Москвада ўтказилган Бутун Жаҳон Ёшлар ва талабалар фестивалида қатнашиб, Ботир Зокиров ижросида машҳур "Арабча танго" илк бор куйланади.

1950 йиллар охирига келиб, Ботир Зокиров турли жанрларда опера ариялари, ўзбек халқ кўшиқлари, чет эл ва рус композиторларининг дурдона асарларини нафақат ўзбек тилида, балки озарбайжон, эрон, афгон, ҳинд, италян, испан тилларида ҳам моҳирона талқин этди. Унинг ижросидаги "Мафтун бўлдим", "Умид", "Раъно", "Сенда хаёл", "Ер кел", "Иминг-ни топмай", "Сени эсламан", "Кўзи хумор" ва бошқа кўпгина романс ва кўшиқлари эстрада ижрочилигида ноёб казинага айланган. Аммо 1963 йили бир нечта оғир жароҳлик амалиётини бошидан ўтказган кўшиқчига куйламай туришни айтишди. Энди у ҳикоя, очерк ва шеърлар устиде ишлади. Евгений Шварцнинг "Соя" ва Антуан де Сент-Экзюперининг "Кичкина шаҳзода" асарларини таржима қилди. Хотини Эрки Маликбоева билан Республика радиосида "Кичкина шаҳзода" эртаги инсценировкасида қатнашди. Кичкина шаҳзодага Эрки Маликбоева, муаллифга Обид Юнусов, қолган ролларга Ботир Зокиров овоз беради. 1965 йили яна ижодга қайтади, унга Халқ артисти унвони берилди. Киноактёр сифатида "Атиргулар очилганда", "Оловли йўллар" фильмларида суратга тушади. 1982 йил кинорежиссёр Элёр Эшмухаммедов Ибн Синонинг болалик ва ўсмирлик давридан ҳикоя қилувчи "Даҳонинг ёшлиги" фильмининг суратга олишни бошлади.

Ёш табибининг отаси ролни Ботир Зокиров, катта ўғли Бахтиёр эса Ибн Сино образларини яратишди.

Ботир Зокировнинг расом сифатида яратган "Автопортрет", "Саратон", "Тумбазлар", "Болалик кўчаси", "Чор минор" каби асарлари ҳам машҳур.

У Тошкент мюзик-холлининг ташкилотчиси, яккахон хонандаси ва бадиий раҳбари ҳам эди. Ботир Зокиров ўта тасвирчан темблри, ширадор овозга эга ижодкор бўлган. Кўшиқларининг аксариятини тугал ва теран лирик-драматик асар даражасига кўтара олган. 2000 йилда "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.

Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодий меросининг ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги "Ўзбек халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ва давлат раҳбарининг мамлакатимиз ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари Форумининг 100 сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида "Ботир Зокиров санъати давомчилари" Республика кўрик-танлови ташкил этилди.

Танлов февраль-апрель ойлари уч босқичда ўтказилади. Унда 16 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёш ижодкорлар иштирок этиши мумкин. Бундан мақсад - буюк санъаткор Ботир Зокиров ижодий меросини ёш авлодга етказиш, эстрада ижрочилиги санъатини янада юксалтириш, моҳир ижрочиларни кашф этиш, эстрада ижрочилигини юксак даражага кўтариш, миллий санъатимизни сунаҳналарига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, улар ижодини кенг тарғиб этиш, эстрада санъати маданиятини, эстрада ижодкорларини профессионал малакасини ошириш, ёш санъаткорлар иқтидорини тўла намойён этиши учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Гулбахор АХМЕДОВА,
18-БМСМ музика назарияси
ўқитувчиси

Бир сулола тарихи

Ўзбек цирки дарғалари

Ўзбек циркининг йирик вакили, Тошканбоевлар сулоласи асосчиси Тошканбой Эгамбердиев таваллудининг 155 йиллигига бағишланади.

Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам цирк қадимдан бўлган. Афросиёб, Парфия, Холчаён, Панжикент, Хоразмда милoddan аввалги III асрда цирк томошалари ўтказилгани манбаларда келтирилган. Қазир ишлари жараёнида топилган бир қатор тасвирий санъат асарлари ва полвон, муаллақчи, масҳарабозларнинг ҳайкалчалари ҳам бунга мисолдир. Ўрта асрларга оид адабий манбаларда ҳам бу ерларда цирк томошалари кенг тарқалгани қайд этилган. Баъзи манбалар Амир Темур саройида дорбозлар, полвонлар, муаллақчилар ҳамда ўргатилган филлар ва отлар томошаси ўтказилгани тасдиқланган.

Асрлар мобайнида ўзбек цирки майдон томоша санъати сифатида ривожланиб келган. Халқ байрамлари ва сайилларида, бозор майдонларида дорбозлар, симбозлар, чиғиркиччилар, "бесуяк" муаллақчилар, ҳайвон ўргатувчилар, найрангбозлар, ёғочоёқ ва бошқа анъанавий цирк жанрлари ўйинчилари томоша кўрсатишган. XVIII-XIX асрларда ўзбек цирки артистлари қўшни мамлакатлар - Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Россия шаҳарларида ўз санъатини намойиш этганлар. Шу қатори турли мамлакатларнинг катта-катта цирк томошалари Ўзбекистонда ҳам машҳур эди.

Мустикалик йилларида ўзбек цирки халқаро цирк майдонига чиқиб, муносиб ўрин эгаллади. Унинг репертуари бирмунча кенгайиб, замонавий томошабинлар талабига мос янги ижролар билан бойиди. Миллий руҳда саҳналаштирилган, анъанавий ва замонавий дастурлар 20га яқин мамлакатларда намойиш этилди. Нуфузли халқаро фестивал ва кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашди.

Президентимизнинг 2021 йил январь ойида қабул қилган "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун цирк санъатига янада кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Ўзбек циркининг шаклланиши ва миллий дорбозлик санъати ривожига катта ҳисса қўшган вакиллardan бири, машҳур цирк дарбози Тошканбоевлар сулоласи асосчиси Тошканбой Эгамбердиевдир. У 1886 йил 3 мартда Асака шаҳрида таваллуд топган.

Машҳур цирк санъати вакили Ўзбекистон ва Россия халқ артисти, Меҳнат қаҳрамони ҳам бўлган.

Фаолиятини эса болалик чоғларидеёқ, 7 ёшидан бошлаган. Отаси Эгамберди хожи билан бирга халқ байрамлари ва сайилларида, шаҳар майдонларида дорбозлик ўйинларини намойиш этишган. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб муस्ताқил ишлаган, дорбозлик ва симбозлик санъатини мукамал эгаллаган. 5-6 метр баландликдаги симдор устида 20дан ортиқ кўринишларни ижро этган. Жумладан, баландга ва узунасига сақраш, оёғига пичоқ, лаган, мис қозон, ёғочоёқ боғлаб ёки пошнани пойабал кийиб, сим устида юриш, бошида қайнаётган самоварни олиб ўтиш ва



бошқа томошалар.

Шунингдек, 25-30 метр баландликда тортилган кия дор устида мураккаб машқларни бажарган. 1908 йил Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон саноят ва хунармандчилик кўргазмасида қатнашиб, "Энг яхши дорбоз ва симбоз" деб топилган ҳамда олтин медаль ва қимматбахо совгалар билан мукофотланган. 1920-1930 йилларда Марказий Осиёнинг давлат ва хусусий циркларида ишлаган. 1935 йил Санкт-Петербург циркида унинг раҳбарлиги ва иштирокида "Дорбозлар" миллий дастури яратилиб, дор ўйинлари илк бор очик майдондан цирк гўмбази остига кўчирилди. 1942 йилда ўзбек цирки жамоасини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. 1947 йил 81 ёшида сўнгги марта дорга чиқади. 1950-1956 йилларда Тошкент циркининг бадиий раҳбари бўлиб ишлайди. Тошканбой Эгамбердиев 1963 йил 9 февралда вафот этади.

Авлодлари унинг касбининг давом эттириб, бутунги кунда ҳам сулола вакиллари цирк санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Энг қизқарлиси, сулола аёллари ҳам дорбозликнинг мураккаб томошаларида, акробатика ва рақс санъатида ўз моҳирона чиқишлари билан қатнашмоқда.

Тошканбоевлар сулоласи вакиллари ўз санъатларини Европа, Осиё, Америка ва Африканинг 50дан ортиқ мамлакатларида намойиш этиб келмоқда.

Улар "Иккинчи хотин" (1927), "Мардлар майдони" (1953), "Дорбозлар" (1965), "Икки дил достони" (1966), "Хаво пилёдалари" (1980), "Тўйлар муборак" (1982) фильмларида қатнашмишган. Тошканбоевлар ҳақида "Саҳнада - ўзбек цирки" (Германия), "Майдонда - миллий цирк" (Россия), "Дорбоз Тошканбоевлар", "Ўзбек цирки", "Томоша давом этади" ҳужжатли фильмлари ишланган. Хозирги кунда сулоланинг бешинчи ва олтинчи авлодлари бобомерос санъатини давом эттиришмоқда.

Тошкент давлат цирки ҳамда Асака маданият ва истироҳат боғига Тошканбой Эгамбердиев номи берилди. Миллий цирк санъатини ривожлантириш ва жаҳон майдонига олиб чиқиш мақсадида 1995 йил Тошканбой Эгамбердиев номидаги Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилган.

Маданият ва санъатнинг инсонлар ва жаҳият ҳаётидаги ўрни беқиёс. У қалбимизга кўтаринкилик бахш этади. Шундай экан, унинг фидойиларини ёд этиш, эътиром кўрсатиш инсонийлик бурчимиздир.

Д.ҲАСАНБОВА,
М.ТОШБОЛТАЕВА,
Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари



Максад ва вазифалар

Муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинади



Маданият вазирлигида Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасининг навбатдаги бошқарув аъзолари йиғилиши бўлиб ўтди.

Палатани ташкил этиш тақдифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги Фармонида қўллаб-қувватланган.

Палата фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фан, адабиёт, санъат ва маданият соҳасидаги муаллиф, санъаткор, ижодкор ва ижрочилар (ҳуқуқ

эгалари) ҳамда уларнинг ҳуқуқий ворислари мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини республика ҳамда республикадан ташқарида рўёбга чиқаришларини таъминлашга кўмаклашиши;

■ амалдаги қонунчиликка кўра, яқна тартибда мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқий ворисларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоatchилик асосида бошқаришга кўмаклашиши;

■ ҳуқуқ эгалари ёки ҳуқуқий ворисларга яқна тартибда фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш

учун ҳуқуқ олишларига кўмаклашиш.

Палата конференция, 15 нафар бошқарув, бошқарув раиси ҳамда 3 нафар назорат-тафтиш комиссияси аъзоларидан иборат бўлиб, Палата бошқаруви ва назорат-тафтиш комиссияси 3 йилга сайланади.

Йиғилиш давомида бошқарув аъзоларига Палатанинг марказий аппарат ходимлари таништирилиб, келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, йиғилиш доирасида бир қатор ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Хорижий тажриба



Шу кунларда Маданият вазири ўринбосари К.Оқилова бошчилигидаги делегация Туркия Республикасида бўлиб турибди.

Туркия таассуротлари

Ташрифдан кўзланган мақсад – тарихий обидаларни сақлаш ва қайта тиклаш бўйича Туркиянинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда маданият соҳасида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини муҳокама қилишдан иборат.

"Girsoy Group" компаниясининг расмий тақдифи билан амалга оширилган ушбу ташриф давомида маданий мерос объектларини реставрация қилиш тажрибаси ҳамда икки томонлама амалий ва илмий ишлар муҳокама этилади.

Даставвал Ўзбекистон делегацияси Истанбул шаҳридаги Тўпқопи саройида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди. Мезбон давлат мутахассислари маълумотига кўра, реставрация ишлари бино ҳолатига қараб тўрт йил давомида амалга оширилади. Бу эса иншоотнинг 20 йил давомида ўз ҳолича сақланиб туришига замин яратди.

Ташриф доирасида Туркиянинг энг қадимий ёдгорликларидан бири – "Gazhona" тарихий иншоотида бўлган делегация аъзолари у бугунги кунда истанбулликларнинг фахрига айланиш арафасида эканини таъкидлади.

Маъмур тарихий объект ўзида замонавийлик ва қадимийликни уйғунлаштирган бўлиб, жозибadorлиги билан ташриф буюрувчиларни мафтун этиши аниқ.

Маданият вазири Камола Оқилова бошчилигидаги делегация ушбу объектада қадимийликни сақлаб қолган ҳолда амалга оширилган рес-



таврация ишлари билан танишар экан, бу тажрибани Ўзбекистондаги маданий мерос объектларида қўллаш лозимлигини ва бу орқали сайёҳлар оқими салмоғи кўпайишини алоҳида таъкидлади.

Эътиборли жиҳати, маъмур тарихий ёдгорлик ўзида кутубхона, ресторан, театр, концерт зали, музей каби масканларни мужассам этган ва ҳақиқий маънода илм масканига айлантирилган. У қисқа фурсатда барчани бағрига олиш арафасида...

Шунингдек, делегация Туркиядаги сафарини Фотих Султон Меҳмет номидаги университет фаолиятини ўрганиш билан давом эттирди. Улар университетнинг реставрация ва консервация ҳамда лаборатория бўлимидаги замонавий шарт-шароитлар, амалга оширилган ишлар билан таништирилди.

Таъкидланишича, университет лабораторияси Туркия Республикасидаги маданий мерос объектларининг мажорӣ маънодаги "шифоҳонаси" ҳисобланади ва айнан шу лабораторияда маданий мерос объектларининг қаерида,

қандай муаммолар борлиги аниқланади.

Бундан ташқари, меҳмонлар учун университет томонидан реставрация қилиниб, қайта таъмирланган қадимий ёдгорлик ҳисобланган "Mavlane xana" тарихий иншооти бўйлаб саёҳат уюштирилди. Ўзбекистонлик реставраторлар томонидан Туркия тажрибаси пухта ўрганилиб, юртимизда татбиқ этиш бўйича ҳам келишилди.

Ўзаро мулоқот чоғида Youtube ва Zoom дастурлари орқали университет томонидан реставраторлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларида Ўзбекистон томонидан вакиллар иштирок этиши каби масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари "Girsoy Group" компанияси бунёд этган "Büyüк Çamlica Camisi" масжидида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишдилар. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 65 минг нафар одам ибодат қилиш имкониятига эга бўлиб, у Истанбулдаги энг катта масжид ҳисобланади.

Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари К.Оқилова ҳамда Туркия Маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Mehmet Misbah Demircan учрашуви чоғида икки давлат ўртасида санъат ва маданиятни тарғиб этиш ва бу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, Туркияда Ўзбекистон санъат ва маданияти кунларини ўтказиш, реставраторлар учун амалий ўқув курслари жорий этиш ва унга Ўзбекистонлик мутахассисларни ҳам жалб этиш ва бир қанча бошқа масалалар юзасидан келишувларга эришилди.

Театр ва ҳаёт

"Сайқали рўйи замин" айвонида "Бибиҳоним"...

Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг режиссёри Ш.Санакулов томонидан "Бибиҳоним" номли мусиқали драма сахналаштирилди. Спектакль Ш.Исахонованинг "Турон маликаси" романи асосида (Т.Исроиллов инсценировкаси) сахна юзини кўрди. У режиссёр Ш.Санакуловнинг энг муваффақиятли асарлари қаторидан муқим жой эгаллаши шубҳасиз.

Маълумки, тарихий асарни сахнага олиб чиқиш учун катта маҳорат, тажриба ва албатта чуқур билим зарур. Тарихий ҳақиқатни бузмаган ҳолда бадиийликка йўғрилган пьесани танлаб олиш ҳам алоҳида маҳорат талаб этади.

Бибиҳоним нафақат бизнинг ўлкамиз, балки жаҳон давлатчилигида муқим ўрин тутган аёллардан бирidir. XIV асрда бутун дунё тарихини ўзгартирган ва жамият тизгинини ўз қўлида ушлаб билган Соҳибқирон Амир Темура амалга оширган буюк ишларда айнан Бибиҳонимнинг ҳиссаси катталигини ҳеч ким инкор этолмайди. Ўзи оналик бахтига мурясар бўлмаган эса-да, ғам-қайғуга енгилмай, суюкли умр йўлдошининг фарзандлари, қолаверса, кейинчалик набираларини ҳам ўз жигарбандидек тарбиялаб, воёга етказиши унинг нақадар тоза қалб эгаси эканлигидан далолатдир. Шаҳзодаларнинг бари асл дунёга келтирган волидаси ким бўлишидан қатъи назар, Бибиҳонимни ўз оналаридек яхши кўриб, эъозлашган ва ҳар ишда маслаҳатлашган. Шу нуқтага назардан, Бибиҳоним образи асарнинг бош қаҳрамони бўлишга лойиқ экани инобатга олиниб, театр ижодкорлари томонидан сахналаштирилгани қувонарли ҳолдир.

Спектаклда давлатнинг Соҳибқирон вафотидан кейинги парокандалик даври (1405 – 1409 йиллар) асос қилиб олинган. Асар кичик назира Мирзо Улугбекни тарбия этиш сахнаси билан бошланади. Темурийлар учун улуг саналган онадан дуо олиш Мирзо Улугбекка нарис этиши унинг албатта тахтга ўтириши ва юлдузлар илмининг етук олими бўлишига ишора қилади.

ҳурмат билан ёндашади, унинг муҳаббатини қабул қилиб, иккисига оналардек муносабат кўрсатади. Аммо Шоди Мулк бу самимийликка ишонмай, Бибиҳонимни ўзига душман деб биларди. Унинг қарорлари Бибиҳонимни қарши чиқишга мажбур этади ва ўзаро кўринмас кураш юзага келади. Ёшлигидан тахқирланган, хўрлик ва хорлик ичиде воёга етган канизак улган салтанат ворисларидан бирининг рафиқаси даражасига етиши тарихда камдан кам учрайдиган ҳол эди. Темурийнинг ғазаб ҳам Халил Султон ва Шоди Мулкка тўсиқ бўлолмагани уларнинг бирибирига бўлган муҳаббати нақадар кучли эканлигини кўрсатади. Шоди Мулк (Ш.Облокулова) қатъияти, шаҳдамлиги, чўрткесар ва маққорлиги билан томошабин эътиборини ўзига жалб этади. Унинг бойлик, тоғу тахт ва ҳокимиятга ўчлиги ҳар бир ҳаракатидан сезилиб туради. Бутун сарой аҳли бош эгиб турадиган Бибиҳонимга тап тортмай қарши бориши, Халил Султон ва унинг ўртасидаги муносабатларни бузиши охири-оқибат ўзини ҳам хароб қилиши изчиллик билан ёритилган.

Халил Султон (Ж.Муродов) севгидан шунчалар сармастки, ва давлат иши, на бибиҳоним насихатлари ва на устозларининг гаплари кор қилмайди. Унинг учун Шоди Мулкнинг қарорлари қонун. Тахт соҳиб бўлишга ҳақли эканлиги хотини томонидан унга шунчалик сингдирилганки, Пирмухаммад ворис этиб тайинланганида бобосидан ранжиганини, ўз оғасига нисбатан нафратини аширолмайди. Хиёнатга учрагач эса қанчалар хароб ҳолга тушгани томошабинни ўйга толдиради.



Режиссёр Ш.Санакулов образларни жонлантиришда роллар тақсимоғига ҳиддий ёндашган. Ҳар бир образга ўзига хос характер ва ҳақиқат жо бўлган. Асар драматургияси пухта ишлангани сабаб қаҳрамонларнинг тарихий манбаларда келтирилган ҳақиқатларга анча яқинлиги яққол сезилади. Бибиҳонимнинг (Р.Жўракулова) дадил ва назокат билан қадам ташлаши, унинг сўзларидаги аниқлик, раволик ва меҳрибон оналарга хос мулоимлик характери ёрқин тарзда очиб берган. Хонимнинг сабрлиги, Аллоҳ тақдир этган барча ишларга вазминлик билан ёндашиши, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини йўқотмай вазият тизгинини қўлга ола билши айнан томошабин сахнада кўришни истаган Бибиҳонимни юзага келтирган.

Ушбу даврдаги энг кучли аёллардан яна бири Халил Султоннинг завжаси Шоди Мулк эди. Асарда конфликт Бибиҳоним ва Шоди Мулк ўртасида кечади. Лекин Бибиҳоним Шоди Мулкни ўзига душман сифатида қабул қилмайди ва у билан қасдлашишни ҳам истамайди. У ўзи тарбия қилган шаҳзодалардан бири бўлиши Халил Султоннинг қарорига

Яқунда Улугбек Мирзони Бибиҳонимнинг ўзи тахтга ўтказиши Темурийлар салтанатининг яна оёққа туриб, давом этишида муқим аҳамият касб этади. Гарчи айрим тарихий манбаларга кўра, Бибиҳоним Мирзо Улугбек тахтга ўтириганида ҳаёт бўлмаган эса-да, финал қисмида онанинг сахнада гавдаланиши асар бадииятини оширишга хизмат қилган. Тахт Бибиҳоним томонидан ишончли қўлга топширилиши келажакка бўлган умидни ифодалайди. Бибиҳоним жисман орамизда йўқ бўлса-да, қалб ва руҳан доим ватан билан биргалиги, шу туپроқларга унинг беқеъс меҳнати сингани, бугунги кунларгача етиб келишимизда ўрни нақадар муқим бўлганлиги спектакль орқали томошабинга етказиб берилган.

Келгусида Самарқанд вилоят мусиқали драма театри ижодкорларидан яна қўллаб мана шундай юксак савияли, узок йиллар сахнани тарқ этмайдиган, ёшларнинг тарихий билимини ошириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшадиган асарларни кутиб қоламиз.

Моҳиянур АҲМАДЖОНОВА,
санъатшунос



«Хурик-танлов»
Атлас кийган ўзбек аёли



Юртимизга биз орзиқиб кутган баҳор кириб келди. Дарахлар куртак очиб, гуллашни бошлади. Ер остидан бўй кўрсатган бойчекчақлар чамандек япроқ ёзди.
Инсонлар қалбида байрамога кайфият, яшашга бўлган умид уйғонди. Баҳорнинг илк оғи гўзал айёмлари билан қалбларга ҳаёт, қувонч ва шодлик улаштириши бошлади.
2021 йил 5 март куни Бухоро вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонаси ҳамда ЎзКОЖ Бухоро вилоят бошқармаси ҳамкорликда 8 Март – Халқаро

хотин-қизлар куни муносабати билан “Атлас кийган ўзбек аёли” номли кўрик-танлов ўтказди.
Унда туманлардан ташир булорган кўзи ожизлар жамияти аъзоларидан 10 нафар фаол хотин-қизлар иштирок эттиди. Улар “Мен ўқиган китоблар”, “Шарқона либосимизга таъриф ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича жамиятда юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимини бўйича таклифлар”, “Маҳорат ва санъат”, “Эркин мавзу”, “Бахру байт” каби бешта шарт бўйича беллашдилар.
Хар бир шартда ўз маҳорати, санъати, зукколи-

ги ва билимдонлиги билан бажарган Бухоро туман вакили Зебинисо Шарипова 1-ўринни, шаҳардаги 24-кўзи ожиз болалар мактаб-интернати ўқувчиси Дурдона Мухаммедова 2-ўринни, Шодиркон тумани вакили Зарнигор Муҳиддинова 3-ўринни эгаллаб, ЎзКОЖ Бухоро вилояти бошқармасининг пул мукофоти, эсдалик совғалари ҳамда кутубхона томонидан фахрий ёрлик билан тақдирландилар.
М.МУҲИДИНОВА,
директор ўринбосари,
Э.СОЛИЕВА, етакчи мутахассис

«Ўқитишда ҳам...

Ҳар нарсанинг меъёри яхши


Етти ёшли жияним Бехрузбекни мактабга жўнатиш бутун оиламиз учун катта муаммага айланди. Ўқиш, ёзишни ҳафсала билан ўрганаётган, шеърларни бурро-бурро ёдлаётган жиянимга нимадир бўлди-ю, дарсларни бир четга суриб, телевизор қаршисига ўтириб оладиган одат чиқарди. Ўқитувчиси билан суҳбатлашганимизда, Бехрузбек ҳақида ҳеч қандай салбий фикр эшитмадик, лекин дарсларга бўлган иштиёқи кундан-кунга пасайиб бораётгандек, назаримда. Чунки у уйга берилган вазифаларни тайёрлашдан бош тортадиган бўлди. Соғлиги, руҳий ҳолати яхши, бироқ нима учун бошида фаол бўлган бола энди нега бунчалик лоқайдлашиб қолди?..

Мутахассислар фикрича, ўсмирликкача бўлган даврда болаларнинг 55-60 фоизда ўқиш, таълим олишдан кўрқиб – “Софобобия” касаллиги кузатилади экан. Эҳтимол, жияним ҳам “Софобобия”ни бошдан кечириётгандир?!

Янги билимларни ўрганишдан ҳадиксираш, ҳафсаласизлик билан кечадиган бу касаллик кўп ҳолларда психологик муаммолар туфайли бошланади. Ота-онанинг ҳаддан ортиқ назорат қилиши, оиладаги носоглом муҳит, ўқитувчи танбехларидан кўрқиб, тенгдошлари орасида камситилиш каби ҳолатлар касалликни ривожлантириши тахмин қилинади. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш, кун тартибига риоя этиш, голибликка интилиш, рақобат ҳисси, машғулотларга ирода билан зўр бериш бола фаоллигини ҳар жиҳатдан оширишни биламиз. Бироқ ушбу жараёнда ташқи таъсирнинг ҳам ўрни бор. Дарсларни яхши ўзлаштириш, бу – боланинг ўзигагина боғлиқ эмас. Худди тарбия билан таълим беришда узвийлик таъминланганидек, ота-она ва мактаб ҳамкорлиги ҳам тўғри йўлга қўйилиши лозим.

“Бола бун идиш эмас, уни истаган нарсанигиз билан тўлдиролмайсиз. Улар биздан кўра “ақллироқ” аслида. Баъзан қизларимнинг бола тилида катталарча берган саволига жавоб топшига қийналанаман, – дейди журналист, икки қизалоқнинг онаси Башорат Отажонова. – Тўғиз иш куним сабаб фарзандларимга кўп вақт ажратолмайман. Аммо ўқитишлари алоҳида эътибор қаратаман. Биласизми, бола ўта синчков, айна пайтда меҳр ва эътиборга муҳтож. Унга ўқиб-ўрганиши эвазига рағбат, мотивация бериш керак. Кўп тергаш, айб қидириш, топшириқларга қўмиб ташлаш болани нафақат жисмонан чарчатади, балки машғулотларга бўлган қизиқишини ҳам кескин пасайтиради”.

“Бола билан мулоқот ўрнатилиш энг осон, шу билан бирга ўта қийин вазифадир. Касбим тақозоси билан ҳар хил табиатли болаларни кузатганман, саводини чиқарганман. Синфдаги 30 нафар ўқувчининг мавзунини бир хил ўзлаштира олмаслиги, бу – меъёрий ҳолат. Чунки, ҳар бирининг ўз дунёқарashi, тафаккур даражаси бор, – дея ўз фикрини билдиради бошланғич синф ўқитувчиси Муҳаббат Тоирова. – Кўпчиликда “Болани ўқишга қизиқтириш бу фақат ўқитувчининг вазифаси”, – деган нотўғри фикрлар шаклланиб қолган. Аслида бундай масъулиятли жараёнда ҳар икки тараф, яъни ота-она ва ўқитувчи қўшқанот бўлиши лозим. Оиладаги муҳит ва эътибор бола кайфияти, ҳуққатвориди аяққол намоён бўлади. Кўп ҳолларда ота ёки она томонидан боланинг меъёрдан ортиқ эркалатилиши, ён бериш ёки босим остида қолдириш билим даражасининг пасайишига олиб келади. Мухими, натижа эмас, ўқитиш, мослаштиш жараёнини қизиқарили, тўғри ташкил этишидир.



Албатта, фарзанд тарбияси масъулиятли вазифадир. Айниқса, бугунги давр талабидан келиб чиқилса. Билим бериш жараёнида эса фақат бир томоннинг сазй-ҳаракати билан комил, илмли шахсин тарбиялаб олиш дарғумон.

Бола – мисоли гард юкмаган оқ қоғоз. Унга нимани ёзсақ, шуни кўрамыз. Кўришимиз керак бўлганлари эса фақат моддий эҳтиёжини қондириш, едириб-чиришдан эмас, балки табиатида кечаётган ҳар қандай ўзгаришларга бефарқ қарамастидан келиб чиқадиган натижа бўлиши лозим. Фарзандларига “ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўйдим”, деб ўйлаганларнинг аксарияти энг асосийсини – эътиборни кўздан қочиради. Боғча-мактабдаги қоидалар етмаганидек, уйдаги муҳитда ҳам кези келганда расмийатчилик кучайтирилади. Бу эса келажақда боланинг мустақил шахс бўлиб жамиятга қўшилишига тўсқинлик қилади. Биринчиси, “Софобобия”, кейингиси одамовилик бўлади.

Азиз ота-оналар, ўқитувчи ва мураббийлар! Бола тарбиясида меъёрни унутманг! Зеро, эскидан қолган бир нақл бор, “Асонинг икки учи бўлгани билан унинг ўртасини ушлаган маъқул”. Йўқса, учидан ушланган ҳасса таёқ бўлиб, кимнингдир бошини ёриши мумкин.

Шириной ОЗОДОВА

«Қалбларда барҳаёт ижодкор»



Миртемир виждони – уйбоқ шоир

Миртемир нафақат сермахсул, балки сермаъно ижодкор ҳамдир. Унинг шеър дostonлари, ҳажвияларини ўқиганим сари шоирга бўлган ҳурматим ошади. Айниқса, ёзганларидаги самимият, миллат руҳи, эзгулик, қалб тугёнлари ва қўллаб инсонларда топиладиган инжа туйғулар ўқувчини ўзига ром этади, сеҳрлайди.

Болалигимдан Миртемирни таниб, шеърларини ўқиб улғайдим. Оилавий кутубхонамиздан ҳам унинг китоблари муносиб жой эгаллаган эди. Бир сирни ошқор этай. Китоб жавонимизнинг энг юқорисиди қадрли китоблар жуда-жуда эҳтиёт сақланарди. Тагига қалин сочиқ солиб қўйиладиган, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари ҳисобланган бу азиз китоблар орасида Миртемирнинг асарлари ҳам бор. Дадам йўқ пайтида ўша китобларни varaқлардим. Нима ёзилганини тушунмасам, китоб varaқлашни яхши кўрардим. Мактабга чиққач, ақлимга ақл қўшилиб, ўқишни ўргатгач ўша китоблар яқин дўстларимга айланди. Улар орасида Миртемирнинг сайланма асарлари, dostonлари ва шеърлари ҳам бор эди. Одатда жуда раван ва гўзал ёзилгани учун бу шеърларни тез ёдлаб олардим. Гарчи ўша пайтлари ёд олган шеърларим маъносига унчалик тушунмасам-да, орадан йиллар ўтиб, шоир нима демокчилигини, моҳиятан олиб қараганда, асарлар замирида қандай изтироблар, ички тугёнлар яширинганини тушунгандекман.

Миртемир Ўзбекистон халқ шоири. Ҳамза номидаги давлат, шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти лауреати эди. Адабий давралар, шеърли гурунглр, халқаро адабиёт анжуманлари унинг иштирокиси ўтмасди. Ҳўш, шунчалик эътибор ва эҳтиромда бўлган, халқнинг сеvimли шоирига айланган ижодкорнинг куйидаги изтиробли сатрларига сабаб не эди?

Оқ, менинг боёқши юрагим,
Қанчага бўлидинг, қанчага?
Бир кунми, бир ой, ё анчага?
Осонми шу зайл юрагим?
Ўзимга не қолди?

Тарихдан маълумки, шоир ижоди гуркираган давр – шахсга сифиниш даври эди. Қўллаб шоирлар аслида мадҳ этгиси келмаган кишиларни қўкка қўтаришга мажбур бўлган. Балки, шоир ёзгиси келмай қайд этган мисралар сабаб ўз юрагини боёқши” дегандир. Эҳтимол, шунинг учун “Қанчага бўлидинг, қанчага?”, дея аламли савол бергандир ўзига... Эътибор берилса, бу шеър 1970 йилда ёзилган экан. Кўпчилик “урра-урра” шеър ёзиб, қўш-қўш мукофотларга эга чиқаётган бир пайтда нега Миртемир ўз юрагига илтижо қилиб, “Осонми шу зайл юрагим?”, деди экан... Ҳа, шоир бу сатрларни ҳақиқий юрак, виждонли инсон онги билан ёзган. Нафақат ёзган, балки юракдан юракка муножот қилган. Ҳа, даврда бу каби муножотлар қилиш фақат ва фақат жасоратли, инсофли, иродали ижодкорларнинггина қўлидан келарди. Демак,

Миртемир нафақат сермахсул, сермаъно ижодкор бўлган, балки виждони уйғоқлиги билан ҳам қалбларда қолган.

Миртемирнинг “Қирғиз шеърлари” туркумидаги куйидаги сатрлар қирғиз халқига ўзбек шоири томонидан берилган энг покиза баҳо эди.

Кимки инсоф билан беролса баҳо:
Бу юртда Манасдай чўнг ҳикмат – даҳо
Юз йил чилим чеккан улпага даво...
Коинот сингари умрзоқ дoston бу –
Қирғизистон бу!

Миртемир шоир сифатида гўзалликни, эзгу ишлар ва қалб тугёнларини тасвирлаган, миллатлараро дўстликни ҳам кенг тараннум этган ижодкордир. Унинг Қирғизистон халқи табиати ҳақида ёзган юқоридаги мисралари дўстлик, биродарликнинг қадрига етган инсон эканлигидан далолат беради.

Миртемир муҳаббат деб атагилмиш бетакрор туйғуни шу қадар таърифлагани, уни бир мақолада тасвирлаб бўлмайди. Ҳаттоки, лирик қаҳрамон ҳисобланган гўзал сеvimлиснинг кўзига кўзи тушган чоғни чакмоқдан сершовкин табиат ҳодисаси юз бериши билан ифодалаган шоир мана шу тасвир билан адабиётда ифода этиш санъатининг нақадар кучли санъаткори эканлигини яна бир бор исботлаб қўйган. Қўйда ушбу сатрларни келтириб, сеvim-муҳаббат мавзусини ижодининг бош “маркази”га айлантирган ёшларга Миртемирнинг муҳаббат ҳақида ёзган асарларини бир ўқиб кўришларини, ана ундан кейин бундай мукамал мавзуга кўп уришларини тавсия қилиб қоламан.

Кўзим кўзинга туйди, чакмоқ чакқандек бўлди,
Учқун дилга қўниб, олов ёққандек бўлди.
Кўзим кўзинга туйди, ярқираб кетди кўзим,
Наинки фақат кўзим, ярқираб кетдим ўзим.

Муҳаббатдан ярқираган Миртемирдек шоир ҳақида қанча ёзсам, шунча оз ва ўзим учун шунчалар саёздор. Чунки улғу шоир тўғрисида ёзиш оддий талаба учун катта масъулият ва муҳим имтиҳон ҳисобланади. Миртемир ҳақида филология фанлари номзоиди Фарҳод Ҳамроев “Ўзининг қарийб ярим асрлик ижодий фаолияти давомиди Миртемир турли шеърли жанрларда ажойиб, беназир асарлар яратиб улгурди. Унинг бутун ижоди – бу ўзбек шоирининг улкан истеъдодидан ёрқин бир далолат бўлиб, ҳали кўп йиллар жозибдорлигини йўқотмайди ва сеvim ўқилаверади”, дея ёзган эди.

Ҳа, чиндан ҳам, Миртемир сеvim ўқиладиган, сеvimладиган шоир. Шу сабабли у жисман орамизда йўқ бўлса-да, қалбларда барҳаёт яшайди.

Ёркинжон ХАЙИТБОВЕВ,
Гулистон давлат университети талабаси

Фаргона музейларида

“Очиқ эшиклар кунини”



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги Фармонида белгиланган устувор вазифалардан бири – музейларда ҳар ойнинг биринчи якшанбасини “Очиқ эшиклар кунини” деб эълон қилинганлиги аҳоли, айниқса, ешларнинг тарихдан хабардорлигини янада ошириш ҳамда музейларда сақланаётган ноёб ашёлар билан яқиндан танишишга хизмат қилиб келмоқда.

7 март кунини Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам у ерда сақланадиган экспонатларни кенг тарғиб этиш мақсадида “Очиқ эшиклар кунини” ташкил этилди.

Музейга ташриф буюрган меҳмонлар “Фаргона журналистлар нигоҳида” номли фотокўргазма билан танишиш баробарида “Момоларимиз мероси – миллийлигимиз олмоси” мавзусидаги маҳорат дарсларида

фаол қатнашишди. Қизиқувчан ешлар учун каштачилик санъатининг сир-асрорлари мутахассислар томонидан ўргатилди.

Шунингдек, “Очиқ эшиклар кунини” доирасида Фаргона шаҳар маданияти бўлими қошида ташкил этилган “Фаргона гавҳари” фольклор этнографик жамоаси билан ижодий учрашув ҳам бўлиб ўтди. Фольклор жамоа ўзларининг жонли куй-қўшиқлари билан барчага аъло кайфият улашди.

Китобат санъати тарихидан

Мангу қолувчи сўзлар

Қалам тутган қўл ҳам вақт ўтган сари изсиз йўқолади. Қадимда яшаб ўтган ҳаттот сўзларидан



Минг йиллик қадриятлар, ўтмишда тараққий топан илм-фан ютуқлари ҳамда ёзма мерос олдим хунармандчилик маҳсулоти бўлган қоғозларга битилган ва шу боис бизгача етиб келган.

Китоб ҳар замонда олис ва яқин, нурли ва зудматли йўлни босиб ўтади. Бундан уч минг йил олдин Рамзес II мамлакатда китобни руҳиятнинг қалб малҳами дея эътироф этишган. XIX асрда яшаб ўтган араб маърифатпарвари Ал Каиз Мадфун китоб ҳақида ёзар экан, қуйидаги таърифни келтирган: “Китоб хазиналарни сақловчи, бойлик мажмуаси, донишмандлик манбаи, саховат чашмасидир”.

Китобни муқаддаслаштириш қадимги Мисрнинг сопол битикларида ҳам тилга олинади. Мисрликларнинг ўн иккинчи фиръавни ўлиги шундай хат ёзиб қолдирган экан: “Ўғлим темирчиларни кўргин, кун бўйи оғир меҳнат остида эзил, ўзларига овқат топмайдилар. Этикдўзларга қарагин, тун бўйи чирок ёруғида этик тикиб, очликдан касал бўлиб, бевақф вафот этгадилар. Тош йўнўвчиларни кўр, улар қандай оғир, қанча кўп ишласалар ҳам, камбағалликдан бошлари чиқмайди. Шунинг учун сен хат ёзишни ўрган, саводли бўл, хат ёзишни билган одамлар бахтли бўладилар”. Подшоҳ ёзувни ва саводли бўлишни турли касб-хунарлардан устун қўйиш орқали, эҳтиمول, билим одами муҳтожлик ва азоб-қўбатдан қутқаради, демокчидир.

Марказий Осиё, умуман туркий халқлар тарихида ёзув узоқ йиллик тараққиёт босқини босиб ўтган. Қадимги халқлар китобдаги ёзувни мўъжизавий санъат тури сифатида жуда қадрлашган. Китобдаги ёзувлар саводсиз одамларга мўъжизадек туолган.

Ўзбекистон ҳудудида китоб пайдо бўлиши ёзувнинг яратилиши билан узвий боғлиқ. Қадимги Миср, Рим ва Марказий Осиёда қишлоқлар топи, пальма дарахти барглари, сопол, суяк ва бошқа ашёларга қайтлар битишган. Ҳар бир китоб ўнаб шундай ашёлардан тайёрланган плиталардан иборат бўлиб, оғирлиги бир неча килограммгача бўлган. Қоғоз папирус ўсимлигининг ишлатилиши (миъл.аввал 4-3 минг йилликларда) билан ўрама китоблар пайдо бўлди. Уларнинг узунлиги 10 метр атрофида бўлиб, ингичка, юмалоқ

таёқларга ўралган ва махсус чарм ёки ёғоч гилофларда сақланган. Айрим маълумотларга кўра, Марказий Осиёда, хусусан, Хоразмда ми.аввал 1-минг йилликнинг биринчи ярмида вужудга келган зардуштийлик дини муқаддас китобларидан бўлган Авестонинг қадимий нусхаси ҳам олтин ёзувлар билан 12 минг мол терисига битилган. Унга фақат қохинларгина қўл теккизиш ҳуқуқига эга бўлган. Демак, Шарқ халқларида ҳам китоб ақл чирогои сифатида эъзозланиб келинган.

Аббосийлар давридаёқ саройларда юз минглаб китоблар сақланган бўлиб, ҳатто олимлар ёзган китоблари вазиғга қараб халифалардан катта бойликлар олишган. Айниқса, Мовароуннаҳрда IX-X асрда ҳукмронлик қилган Сомонийлар саройидаги машҳур кутубхонада бир неча юз йиллик китоблар сақланган. Унда Абу Али ибн Сино ҳам бир неча вақт ишлашга муяссар бўлган. Сомоний ҳукмдорини даволай олган 16 ёшли Ибн Сино подшоҳга шу кутубхонада ишлаш тилаги борлигини маълум қилган. Шунингдек, Темурийлар даврида Мирзо Улугбек замонида қурилган расадхонада 15 мингдан ошиб ноёб қўлёзмалар сақланган бўлиб, улар ичида халифа Усмонга тегишли Куръон китоби алоҳида ўрин тутади. Айтишларича, халифа Усмон Куръонни мутолаа қилаётган вақтида шаҳид бўлган. Шу сабабдан унга мусулмон оламида муқаддас Куръон таърифи берилган. Ҳозирда пергаментга битилган ушбу қадимги ноёб китоб намуналаридан бири – Усмон Куръони Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади. Мазкур қўлёзма Амир Темур томонидан Самарқандга олиб келинган. Жами 353 арақдан иборат бўлган.

Қоғоз кашф этилгач эса китоб тарихида янги давр очилди.

Бунинг тарихи қандай бўлган?

Қоғоз ишлаб чиқариш дастлаб II асрда Хитойда махсус ўсимлик толарининг сувли бўтқасини турдан ўтказиш орқали олинган. Бу усул узоқ вақт сир сақлаб келинган. Кейинчалик VI аср бошларида Япония, VI-VIII асрларда эса Осиёга тарқалган. VII асрдан бошлаб Самарқандда ишлаб чиқаришга қоғоз нафақат Марказий Осиё шаҳарлари, балки қўшни минтақаларида ҳам машҳур бўлган.

Тарихий манбаларга кўра, кўхна Самарқандда VIII аср ўрталарига келиб қоғоз тайёрлаш кенг ривожланган. Сифати ҳам жуда юқори бўлиб, бу ҳақда Абу Мансур Саолбий ўз асарларидан бирида: “Самарқандга хос нарсалардан бири, унинг қоғози бўлиб, бу қоғоз Миср қоғозидан устун туради. У жуда чиройли, нозик, нафис ва ёзиш учун жуда қулайдир”, деб ёзган.

Самарқандда қоғоз тайёрлаш усулига кўра, “хатма”, “харирий”, “султоний”, “нуҳар” каби турли номлар билан аталган. Қўли гул қоғозлар усталар пахта толаси ва пахта моминидан хомашё тарихида фойдаланиб, “хатма”, ипақ толасидан эса “харирий” қоғози тайёрлашган. Ипақ, пахта, қаноп толалари аралашмасидан “ним харирий” қоғоз ишлаб чиқарилган. Китобат усталари эса устига махсус сув юритилган “султоний” ва “нуҳар” қоғозлари ҳам тайёрлаб берилган. Варақларидан хушбўй ҳид келиб туриши учун сийёҳ баъзан гулоб ёки анбар аралаштирилган. Ҳашаротларга чидамли бўлиши учун қоғоз таркибида табиий ўсимликлардан тайёрланган махсус кукунлар қўшилган.

Самарқанд қоғози ўрта аср шарқ ҳаттотлари орасида гоёт қадри бўлиб, унинг бир қисми қўшни ўлкаларга ҳам чиқарилган. Бироқ XVII асрда келиб, ҳар хил урушлар, кўзғолоналар, ҳудуддаги нотинчликлар хунармандларнинг тинчлигини бузгани учун улар нисбатан тинч шаҳарларга бориб, ўз ишларини давом эттиришган. Хусусан, XVIII-XIX асрларда Кўхонда ҳам қоғоз чиқарила бошланди. Унинг сифати сезиларли даражада паст бўлиб, анча арзон эди. Бу Марказий Осиё бозорларида Кўхон қоғозининг харидор-гир бўлишини таъминлаган.

Кўхон қоғозига хомашё сифатида асосан эски газламалар, пахта чиқиндилари ишлатилган. Йиллар ўтиши билан унинг сифати яхшиланиб, ҳаттотлар орасида ҳам кенг қўлланила бошлаган. Нати-

жада у сифати, чидамлилиги, нафислиги жиҳатидан Хитой қоғози билан бемалол беллаша олган. Бу ҳудудда қоғозарликнинг ривожланиши Кўхон ҳукмдори Тангриёр Султон номи билан боғлиқ... У XVII аср бошларида бу касбини такомиллаштириш мақсадида Шарқий Туркистоннинг Хутан шаҳридан ака-ука қоғозгар усталар – Нормухаммад ва Аҳмад Охунларни таклиф қилади. Улар Кўхоннинг Мўйи Муборак қишлоғида, серсув анҳор бўйида устахона қуриб, қоғозарликка асос солишади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хомашё сифатида пахта қўлланидиган бўлди. Натижада қоғозгарлар шаҳар атрофида пахта майдонлари кўпайишига аҳамият бера бошлади. Бироқ 1870 йилларда қоғозгар усталарнинг ҳаммаси шаҳардан 70-80 чақирим олдига жойлашган Сўх водийсига кўчириб юборилди. Айтишларича, ўтган асрнинг 70-йиллари бошида Худоёрхон ўз ўрдасини қуриб битиргач, бош меъмор – риштонлик Абдулла устани кузурга қақиртиради ва ундан «Бу бинони Аллоҳ Улолонинг хоҳиш-иродаси ила бунёд этдик. Лекин у салтанатимизнинг тимсоли сифатида ер юзида неча аср туриши мумкин?» – деб сўрайди. Шунда уста Абдулла индамасдан хонни бино томи устига етаклайди. Томга чиққач, уста қўлидаги тарих тўла лаганини мезана (мас-жиднинг азон айталидиган жойининг энг устки қисмига) қўяди. Хон тикилиб қараса, дон аста-секин тўқиялпти. Ваҳоланки, ҳаво мусаффо, қилт этган шамол йўқ. Ҳеч қанча вақт ўтмай қўл бўлаб қолди. Хон бунинг сир-асрорини сўраганида, уста Мўйи Муборакка қараб ишора қилади. Бу қишлоқдаги обхувозларнинг товуши ўрдандан ҳам бемалол эшитилиб турарди. Шунда хон латта-путталарни туядиган тўқмоқлар зарбидан замин билинар-билимас титраётганини хис қилди.

– Агар қоғозгарлар обхувози шаҳардан уч-тўрт чақиримга кўчириса, бу бинолар умри минг йилга етиши мумкин, дейди уста. Худоёрхон учун арқони давлат, салтанат рамзи ҳисобланган ўрдани сақлаб қолиш ҳар нарсадан устувор эди. Унинг фармониغا мувофиқ Кўхонлик қоғозгарлар Сўх водийсидаги Калъач қишлоғига кўчириб юборилди...

XIX-XX аср бошларида қоғозга талаб ошиб кетганлиги учун Тошкент ва Бухорода ҳам қоғоз қозғатилган. 1924 йилдан бу жараён ҳукумат ихтиёрига ўтказилиб, 1932 йилдан Тошкентда илк бор қоғоз фабрикаси ишга туширилган.

Қоғознинг кўпайиши китоблар сони ортishi ва кенг тарқалишига йўл очди. Унинг саҳифалари турли миниатюралар, хошиялар билан безатилди. Аста-секин ҳаттотлик (каллиграфия), муқовасозлик касблари ажралиб чиқди.

X-XI асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда меъморчилик билан бир қаторда китобат санъати ҳам муайян соҳа сифатида янги тараққиёт босқичига ўтди.

Китобат санъати деганда қўлёзма асарларни кўчириб ёзиш ва у билан боғлиқ ҳаттотлик, мусаввирлик, лаввоҳлик (лавҳа чизиш) ва саҳҳофлик (муқовасозлик) санъати тушунилади. У китобатчиликнинг маълум бир соҳасига айлиниб, нафис китоб шу санъат маҳсули ҳисобланган. Босмаҳона ва китоб нашр этиш ҳали вужудга келмаган ўша замонда китоб яратиш ва унинг нусхаларини қўлёзма шаклида кўпайтириш ниҳоятда кўп меҳнат ва малака талаб қилган. Айниқса, нафис китоб яратиш ўта мураккаб ва жуда машаққатли бир жараён бўлиб, у қоғозрез (қоғоз тайёрловчи), ҳаттот, мусаввир, лаввоҳ, саҳҳоф (саҳҳофловчи мусаввир) каби бир неча хил мутахассисларнинг меҳнати ва малакаси билан боғлиқ эди.

Ҳаттотлик махсус касб, ўта нозик ва ўзига хос санъат ҳисобланарди. Етук ҳаттот бўлиб танилиш учун узоқ вақт сабр-матонат ва иштиёқ билан машқ қилиш, эҳтият чекиш лозим эди. Ҳаттот саводли, бадиий дили балан, ижодкор киши бўлиши зарур ҳисобланган. Ҳар бирининг ўз усули ва услуби бўлиб, бу устоздан шогирдга ўтар, анъаналар давом эттирилар ва такомиллаштириб бориладди.

Муқовачи қўлёзмини қартон ёки чармдан ишланган муқовага бириктирган. Унинг қопқоғи ёғочдан, баъзан кумушдан тайёрланган ҳамда босма, ўйма ва қадама нақшлар, ёрқин расмлар билан безатилган.

У.АҲМЕДОВА, Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи сектор мудири

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2021 йил 13 апрель кунини бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказад!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидagi 2009й. и/ч, д/р 01/783QHA, бошланғич нархи 20 110 000 сўм бўлган «NEXIA 2»; 2006й. и/ч, д/р 01/795QHA, бошланғич нархи 10 523 000 сўм бўлган «MATIZ» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш қунарида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 3 (уч) кун аввал соат 18:00да тўхтавилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi за-калат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотехабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартно-масини имозлаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фои-

зидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар наватбатдаги ҳафталарнинг ҳар сешанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиб билдирган талабдорлар, улар ҳолати билан согувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишиш-лари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCH@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Маданий мерос

Ёш каштадўзлар

Ўзбек халқи амалий санъати билан ҳам дунёга машҳур. Жумладан, санъатнинг гўзал тури – каштачилик билан ҳам. Каштачилик амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Ушбу санъат тури нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шўхрат қозонган. Ҳозирги кунда турли воҳаларнинг бир-бирини тақрорлан-



мас кашталари сўзана ва белбоғ, жойна-мозларда яратиб келинмоқда. Улар орасида Хатирчи тумани каштачилиги ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Худуд қизлари замонавий ва миллийликка йўғрилган кашталарни момолардан ўрнак олиб тикишмоқда. Тумандаги 6-БМСМнинг амалий санъат бўлимида ҳам каштачилик йўналиши ташкил этилиб, сир-асрорлари ўргатиб келинмоқда. Ёш каштадўзлар ўзлари ярат-

ган гўзал намуналари билан бой мерос эгаси эканликларини ҳис этмоқдалар. Улар келажакда Ўзбек каштасини дунёга тарғиб қилиб, халқро танловлар иштирокчисига айланиш истагидалар. Ўзбек миллий каштачилигини ривожлантириш ва ёш авлодга ўргатиш биз ўқитувчиларнинг бурчи ва мажбуриятидир.

Гулрухсор РИЗАҚУЛОВА,
6-БМСМ амалий санъат ўқитувчиси

Тарих тилга кирганди

Ўрта асрларда МЕЪМОРЧИЛИК

Ўрта асрларда Шарқда илм-фан ва маданиятнинг юксак даражада равақ топгани барча соҳаларда, хусусан, меъморчилик ҳамда тасвирий санъатда ҳам ўз ифодасини топди. Бу кўп жиҳатдан ўша даврда ўлка худудларида ҳўкм сурган тинчлик, осейишталлик ҳам боғлиқ. Маҳаллий ҳўкмдорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳарларда ноёб тарихий обидалар, ҳашаматли бинолар, илмий-маданий масканлар, кутубхоналар, масжиду мадрасалар қад кўтарди. Айниқса, халқ ичидан чиққан маҳаллий усталар, наққошлар, кулолу заргарлар томонидан юрт довуғини оламга танитган, ажойиб меъморчилик обидалари, тасвирий санъат намуналари яратилди.



Шунингдек, шаҳарсозликда хом гиштлар ва пахсалардан кент фойдаланилган. Уларнинг шиначилиги ва кўринишини янада кўркамлаштиришда оҳакли коришмалар ишлатилиб, тажадор қилиб ишлов берилган. Айрим масжидларнинг меҳроблари эса силлиқланган гиштлар, ўйма ганчлар ва ҳатто тило суварли билан ҳам безатилган. Ҳар бир шаҳар марказларида китоб дўконлари бўлишига алоҳида эътибор қаратилган.



Ўрта Осиё Ўйғониш даврининг йирик меъморий обидалари сирасига Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Самарқанд яқинидаги Тим қишлоғидаги Араб ота мақбараси (977-978), Узун (Сурхондарё) туманидаги Хўжа Нахшон мақбараси (IX-X аср), Намозгоҳ, Марвадаги Султон Санжар (XI аср), Ўзгандаги қорахонийлар мақбараси, Ғазна яқинидаги мрамор қотишмалардан тикланган ғазнавийлар ёзғи саройи, Бухородаги Минораи Калон (1127), Вобкент минораси (1192), Жаркўрғон миноралари ва бошқа кўркам меъморчилик иншоотларини киритиш мумкин.

Бу даврда меъморий бинолардан ташқари йўғилган гишт ва сувга чидамли қурилиш коришмаларидан турли ўлчамли, гоят пухта ишланган иншоотлар, сув омборлари – бандлар, новлар, кўприклар, сардоба ва коризлар қурилган. X асрдан бошлаб бинокорликда сингли иморатлар қурилиши кент тарқалган. Яққасинч ва қўшқинчи бинолар асосан ёғочларни пайвандлаш услубида қурилиб, улар ораси хом гишт ёки гувалалар билан уриб чиқилган ҳамда сомон ёки қўмили лойлар билан суवालган. Мақзур иморатлар XII асрда ҳам шаҳар меъморчилигида асосий ўрин тутган ҳамда зилзила силқинишлариға ўта чидамли бўлган. Аждодларимизнинг Ўйғониш даври меъморчилиги соҳасидаги бунёдкорликлари бугунга қадар ҳам сақланиб қолган. Ушбу тарихий маълумотларни олимларимиз Афро-



ли ва бежирим идиш-товоклар, қадаҳлар ясаш ҳам расм бўлган ва уларнинг кўринишлари санъаткорна тарзда моҳирлик билан безатилган. Бу соҳада Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Хоразм, Нахшоб, Кеш шаҳарларининг ўзига хос махсус мактаблари фаолият кўрсатган.

IX-XII асрларда ўлкада марказлашган йирик давлатларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожланиши мустаҳкамланиши нафақат маънавий ҳаёт, балки илм-фан ва моддий маданиятнинг ҳам ривожланишиға асос бўлди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Узган ва Марв каби шаҳарларда саройлар, масжид, мадрасалар, миноралар, мақбаралар, тим ва қарвонсаройлар қўйлаб қурила бошлади.

X асрларға келиб бинокорликда қурилиш тартиби ҳам ўзгарди. Маҳобатли қурилишда томи гумбаз билан ёпилган куб шаклидаги бинолар муҳим аҳамият касб этди. Бухорода қурилган Исмоил Сомоний қабри устиға пишиқ гишт билан бунёд этилган гўзал мақбара фикримизға мисол бўла олади. У тўртбурчак шаклида бўлиб, томи гумбаз қилиб ёпилган. Тўртбурчакдан найзали равоглар ёрдами билан саккиз қиррали шаклга ўтилган. Шу билан бирға ушбу бино тўрт фасадлидир. Тўртала томони ҳам бир хил, олд томонидек безатилган. Олдий қилиб айтганда, бинонинг олди, ёни ва орқа томони йўқ. Ҳамма томони бир хилда безатилган.

Исмоил Сомоний мақбарасини қуришда ва безатишда араблардаги ўша даврға хос меъморий хусусиятлардан ҳам кўп фойдаланилган. Бу даврға оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда, Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шахрисидаги Чилдхуторон масжидларини қайд этиш мумкин. Ушбу ёдгорликлар Ўрта Осиёда диний меъморчиликнинг ривожланиш йўларини кузатиш имкониятини берди. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марва, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу са-

роилар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан ажраллиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар ҳўшманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган. Уларнинг гўзаллигини Термиз шаҳридаги сарой мисолида кўриш мумкин (У тўлиқ очиб ўрганилган). Сарой шаҳар мудофаа деворларидан ташқарида, боғлар орасида жойлашган ва 10 гектарға яқин майдонни ишғол этган. Маҳобати, серҳашамлиги ва бағоят гўзал, нафис безаклари билан одамни ўзига жалб қилади.

Сомонийлар давриға оид шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уйлари тўғрисида археология анча-мунча маълумотларға эга. Бу борада қадимий Самарқанд-Афросиёб, Хорашкент-Канка, Бинкент, Термиз, Марв, Деҳистон каби ўнлаб ёдгорликларда олиб борилган изланишларнинг натижаси диққатта моликдир. Афросиёбда бу даврға оид катта бир маҳалла очиб ўрганилган.

Сомонийлар даврида меъморчилик ўз тараққиғида катта ютуқларни қўлга киритган. Ўрта Осиё меъморлари бу даврда шундай ноёб бинолар, санъат дурдоналарини бунёд этганларки, улар асрлар оша одамларни хайратға солиб келмоқда. Сомонийлар давридаёқ йирик шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв Қорахонийлар ҳўкмонлиги йилларида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли – арқ, шаҳристон, работдан иборат эди. Уларда янгидан-янги ҳашаматли иморатлар пайдо бўлиб, ўз тузилиши ва нақшлари билан ажраллиб турарди.

Қорахонийлар Ўрта Осиёни босиб олгач бу ердаги маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарлар тараққий этди, ҳўнармандчилик, савдотчилик ривожланди. Аҳолиси сони ҳам хўлайиб борди. Термиз шаҳри XI-XII асрларда анча тараққий этди, янги мустаҳкам мудофаа девори қурилди. Бу ерда барпо этилган Термиз ҳўкмдорлари саройи, айниқса, машҳурдир. Уни қазиб очган археологлар турли идишлар билан бирға афсонавий хайвонлар тасвирини ҳам топишди.



XI-XII аср бошларида Хоразмда ҳам кўпгина бинолар қад кўтарди, жумладан, Урганчдаги Фахриддин Розий ва Шайх Шариф мақбарасини, қўйлаб қарвонсаройларни, Бурунқалъа, Наифқалъа ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўрта асрларнинг ноёб меъморчилик дурдоналари ҳозирға қадар аждоду авлодлар эъзози ва ҳўрматига сазовор бўлиб келмоқда. Биз авлодлар ўтмишида Ватанимиз худудида шундай қўли гул, юксак яратувчилик салохиятиға эга халқимиз ва маданиятимизни дунёға танитган шундай улуг аждодларимиз билан хабли равишда фаҳрлана оламиз.

Шерзод РАЖАБОВ,
Феруза ХУРРАМОВА,
Термиз археология музейи бўлим мудирилари

| | | | | |
|---|--|--|---|---|
| <p>МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285</p> | | <p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатида ўтказилган.</p> | <p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содиқова Адади - 7217 Буюртма - Г - 317 Сотувда қелишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ</p> | <p>Газета "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонаға топшириш вақти - 23.30 Топширилди - 23.00 1 2 3 4 5 6</p> |
| <p>МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги</p> | <p>Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева</p> <p>Таҳририй манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p> | <p>Газета ҳафтанин пайшанба куни чоп этилади.</p> | | |